

ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – МУХИМ ОМИЛЛАРИ

Раҳматов Мухриддин Шавкат ўғли - ТДТрУ талабаси
Ганиев Иззатилложон Хайруллажон ўғли - ТДТрУ талабаси

Мамлакатимиз янги ўзгаришлар ва юксалишлар даврига қадам қўйди. Бунинг ҳуқуқий асоси эса Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамлаб қўйилган. Тараққиёт стратегиямиз кафолати бўлган Конституциямизнинг яратилганлигига ҳам чорак аср бўлди. Маълумки, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий шарти сифатида халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан яхшилаш, қабул қилинган қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига чуқур аңлатишга катта эътибор қаратилиб келинмоқда.

Ҳозирги вақтга келиб фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга эришиш, чуқур маънода ҳуқуқий онгни юксалтириш давр талабига айланди. Фуқароларда юксак ҳуқуқий тафаккур шаклланмас экан, ҳуқуқий демократик жамиятни янада мустақамлаш мураккаблашиб бораверади. Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва шу орқали қонун устуворлигига эришиш нафақат жамият, балки баркамол авлод учун ҳам қимматлидир. Чунки, ҳуқуқий маданият кишиларнинг ҳуқуқ тўғрисидаги билимга, қонунга бўлган ҳурмати, ҳуқуқий меъёрларни бажариши, уларга амал қилмаганда ҳуқуқбузарликлар содир қилинса, тегишли жазо чоралари олишига айтилади. Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг айнан иккинчи устувор йўналишида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли химоя қилиш кафолатларини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш бандларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда давлат тузилмаларнинг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш белгилаб қўйилган. Бу каби масалалар юзасидан мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бир қанча ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бунинг амалий тасдиқи сифатида Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганишини

яхшилаш ҳақида”ги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” каби бир қанча қонун лойиҳалари бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Жорий йилга келиб эса бу каби ислохотлар янада кўпайди.

Юртимизда бу соҳада бир қанча ишлар амалга оширилмоқда ва булардан ушбу мавзу қанчалар долзарб муаммо эканлигини англаш қийин эмас. Бунга мисол тариқасида сиёсий партияларни, турли вазирликларни ушбу соҳада бир қанча ишлар (турли қонун лойиҳалар, семинарлар, давра суҳбатлари, тарғибот ишлари) ини келтириб ўтишимиз ўринлидир. Мисол сифатида, 2017 йилдан Тошкент Транспорт Университетида “Адолат” социал демократик партияси томонидан “Ёшларнинг юксак ҳуқуқий маданиятини шакллантириш–жамиятда қонун устуворлигини таъминлашнинг мустаҳкам асоси” мавзуида семинар ўтказиб келинмоқда, ҳамда узлуксиз тарзда вилоят, шаҳар ва турли чекка ҳудудларда ИИББ томонидан маҳалла, мактаб,лицей, коллеж ва олий таълим муассасаларида давра суҳбатлари ташкил қилиниб келинмоқда. Семинар ва давра суҳбатларида талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг умумий йўналишлари таҳлил этилади, асосий эътиборни давлатимизда чиқаётган қонун ва қонуности ҳужжатларнинг аҳолига, шу жумладан, ёшларга етказиш, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш ва етарли даражада ўзлаштириш ҳамда уларни кундалик ҳаётида кенг татбиқ этишга қаратилмоқда.

Энди ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини оширишда ёшларни ўрнини кучайтириш лозим. “Ёш сиёсатчи”, “Тафаккур синовлари”, “Сиз қонунни биласизми” каби бир қанча Республика миқёсида ўтказилган танловлар ёшларни ҳуқуқ соҳасига бўлган қизиқишини кучайтирди, уларни ҳуқуқий саводхонлигини оширди ҳамда бошқа ёшлар ўртасида кучли қизиқишга сабаб эътибор қаратилиб келинмоқда. Ҳозирги вақтга келиб фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга эришиш, чуқур маънода ҳуқуқий онгни юксалтириш давр талабига айланди. Фуқароларда юксак ҳуқуқий тафаккур шаклланмас экан, ҳуқуқий демократик жамиятни янада мустаҳкамлаш мураккаблашиб бораверади. Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва шу орқали қонун устуворлигига эришиш нафақат жамият, балкибаркамоллавлуд учун ҳам қимматлидир. Чунки, ҳуқуқий маданият кишиларнинг ҳуқуқ тўғрисидаги билимга, қонунга бўлган ҳурмати, ҳуқуқий меъёрларни бажариши, уларга амал қилмаганда ҳуқуқбузарликлар содир қилинса, тегишли жазо чоралари олишига айтилади.

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар Стратегиясининг айнан

иккинчи устувор йўналишида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли химоя қилиш кафолатларини таъминлаш, жинойтчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш бандларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда давлат тузилмаларнинг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш белгилаб қўйилган. Бу каби масалалар юзасидан мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бир қанча ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бунинг амалий тасдиқи сифатида Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганишини яхшилаш ҳақида”ги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” каби бир қанча қонун лойиҳалари бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Жорий йилга келиб эса бу каби ислохотлар янада кўпайди.

REFERENCES

1. Qurolovich, M. B. (2023). DAVLAT BOSHQARUV TIZIMIDA MA'NAVIY OMILNING O'RNI. *World scientific research journal*, 12(1), 113-116.
2. Behzodjon, M. (2023). MILLIY G'OYA VA MAFKURAVIY YANGILANISH DAVRI. *World scientific research journal*, 12(1), 117-121.
3. Qurolovich, M. B. (2023). DAVLAT BOSHQARUV TIZIMIDA DEPUTATNING SIYOSIY FAOLIYATI. *World scientific research journal*, 12(1), 100-103.
4. Qurolovich, M. B. (2023). XXI ASRDA GLOBAL AXBOROT JAMIYATINING SHAKLLANISHI. *World scientific research journal*, 12(1), 122-125.
5. Qurolovich, M. B. (2023). SIYOSIY JARAYONLARNI AMALGA OSHIRISH USULLARI. *World scientific research journal*, 12(1), 104-107.
6. Qurolovich, M. B. (2023). ALISHER NAVOIYNING VATAN VA DAVLAT XIZMATCHISI SIFATIDAGI SIYOSIY QARASHLARI. *PEDAGOGS jurnali*, 27(1), 78-81.
7. Qurolovich, M. B. (2023). YOSHLARNING SIYOSIY FAOLLIGINI RIVOJLANTIRISHNING O'ZIGA XOS HUSUSIYATLARI. *PEDAGOGS jurnali*, 27(1), 73-77.
8. Sayfullayev, B. D. (2022). Development of Bilateral Political Relations between Uzbekistan and India. *Vital Annex: International Journal of Novel Research in Advanced Sciences*, 1(3), 54-56.

9. Sayfullaev, B. (2021, November). FROM THE HISTORY OF CULTURAL RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND INDIA. In International Scientific and Current Research Conferences (pp. 57-60).
10. Sayfullaev, D., & Sayfullaev, B. (2020). О научном исследовании двусторонних отношений Узбекистана и Индии. *Sharqshunoslik*, 3(3), 139-144.
11. Сайфуллаев, Б. Д. Ў. (2022). ЎЗБЕКИСТОН ВА ҲИНДИСТОН: ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА АЛОҚАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 25), 595-601.
12. Sayfullayev, B. (2022). Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида транспорт-коммуникация соҳасида истиқболли ҳамкорликнинг хусусиятлари. *ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ. ВЕСТНИК НУУз. АСТА NUUZ*.
13. Sayfullayev, B. (2022). ЎЗБЕКИСТОН-ҲИНДИСТОН: СТРАТЕГИК ШЕРИКЧИЛИКНИНГ ЯНГИ ФОРМАТДА РИВОЖЛАНИШИ. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР САММИТИ.
14. Sayfullayev, B. (2022). АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ДАСТУРИЙ МАНСУЛОТЛАР ИШЛАВ ШИҚАРИШДА ХАЛҚАРО НАМКОРЛИК: О ‘ЗВЕКИСТОН ВА HINDISTON MISOLIDA. АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАРИ СОҲАСИДА ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-ТЕХНИК АНЖУМАНИНИНГ МАЪРУЗАЛАР ТЎПЛАМИ.
15. Sayfullayev, B. (2021). Ўзбекистон-Ҳиндистон: икки томонлама ҳамкорликнинг янги саҳифалари. *ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ*.
16. Sayfullayev, B. (2021). ЎЗБЕКИСТОН-ҲИНДИСТОН: ҲАРБИЙ СОҲАДА ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИБ БОРИШИ. *ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ. ВЕСТНИК НУУз. АСТА NUUZ*.
17. JO’RABOYEV, N. Y., & SAYFULLAYEV, B. D. O. G. L. (2021). КО’ННА ВА НАВҚИРОН TOSHKENT BOZORLARI. In *Uzbek Conference Publishing Hub* (Vol. 1, No. 01, pp. 83-86).